

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМОНОВА ЛАЙЛО РАХМАТУЛЛАЕВНА

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНИАТЮРА САНЪАТИНИНГ РОМАНТИК ВА
ЭСТЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари (Эстетика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on philosophical sciences**

Усмонова Лайло Рахматуллаевна

Марказий Осиё миниатюра санъатининг романтик ва эстетик
хусусиятлари..... 3

Усмонова Лайло Рахматуллаевна

Романтические и эстетические особенности миниатюрного искусства
Центральной Азии..... 27

Usmonova Laylo Rahmatullaevna

Romantic and aesthetic features of miniature art in Central Asia..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications..... 56

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМОНОВА ЛАЙЛО РАХМАТУЛЛАЕВНА

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНИАТЮРА САНЪАТИНИНГ РОМАНТИК ВА
ЭСТЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари (Эстетика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Fal377 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махмудова Гули Тилабовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саифназаров Исмоил Саифназарович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Акилова Камола Болтабаевна
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» август соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона). Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (68-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» август куни тарқатилди.
(2021 йил «16» августдаги № 11 рақамли реестр баённомаси).

И. Эргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
сиёс.ф.д., профессор

Г.М. Рузматова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, ф.ф.д., профессор

О.Ж. Нишонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда гуманизм ғояларига асосланган, фан натижасида эришилган билимга суянадиган, инсониятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирувчи олий мақсадлар ҳукм сурмоқда. Бу мақсадлар қаторида гўзаллик, санъат ўз ўрни ва йўналишига эга. Шу маънода санъатнинг асосий мақсади – қадриятларга йўналтирилган ҳар томонлама ижтимоий аҳамиятли ва қадр-қимматли шахсни шакллантиришдан иборатлиги билан белгиланади. Чунки санъатнинг қудрати инсонпарварлик ғоялари асосида илмий ва техник тараққиётни жонлантиришдан иборатдир. Санъатнинг олий инсонпарварлик бурчи эса, инсоният бахти ва маънавий тақомилининг мустақил йўналишида назарий ва амалий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эгадир.

Дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари¹ бўлмиш Royal Society of Miniature Painters, Sculptors and Gravers, Sainsbury Centre for Visual Arts at the University of East (Англия), Центр миниатюрного искусства Хатаи, (Азербайжан, Баку), Научно-исследовательский Музейный центр при «Всероссийском музее декоративно-прикладного и народного искусства», Арт Центр «Мино»да (Таджикистан) миниатюра санъатининг мустақил санъат тури сифатида пайдо бўлиши ва шаклланиши, миниатюра мактабларининг бадий услублари ва ривожланиш қонуниятлари борасидаги илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу ҳолат, Республикамизда миниатюра санъатининг эстетик хусусиятларини, ворисийлик қонуниятини, замонавий тенденцияларини ўрганиш ва фалсафий тадқиқ этишга бўлган заруратни мавжудлигини белгилайди.

Янгиланаётган Ўзбекистонда таълим-тарбия, фан-техника ва ишлаб чиқаришнинг узвий бирлигини таъминлаш ва уларни инновацион ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Ёшларни эстетик тарбиясида бой маънавий миллий мероснинг самарадорлигини ошириш мақсадида юртимизда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. «Мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетини ҳам шунча кучли бўлади»². Шу жиҳатдан, санъат кучли тарбиявий восита сифатида, замонавий билимларга эришиш, ислоҳотларнинг мазмун ва моҳиятини англаш, дин ва илм, иймон ва ахлоқ, дид ва фаросат, билим ва жаҳолат, зиддият ва тафовут каби миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аксиологик имкониятларини кенгайтиради. Бунинг натижасида назарий ва амалий билимларни

¹ www.royal-miniature-society.org.uk., www.sainsburycentre.ac.uk., www.baku.arttube.ru., <https://vmdpni.ru.>, <https://sites.google.com/site/artcentermino.>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 19 март куни видеоселектор йиғилишидаги нутқи. <http://www.uzdaily.uz/uz/post/5328>

ўзлаштириш, миллий ва адабий тил, ижодий-бадий жанрларни бойитиш; миллий эстетик тафаккурнинг анъанавий ва янги қатламларини ривожлантириш ва ўзлаштириш каби жараёнлар самарадорлиги мустаҳкамланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида», 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон «Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 19 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган муҳим 5 та ташаббуснинг биринчиси, яъни, ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш каби масалаларнинг бажарилишида ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон, Туркия ва Ҳиндистонда XV асрдан бошлаб бадий безак тарихи ва миниатюра санъати борасида кўплаб асарлар яратилган. Жумладан, Зайниддин Восифий, Дуст Муҳаммад, Ибн Арабшоҳ, Султон Али Машҳадий, Рашидиддин ҳамда Шарафиддин Али Яздий каби алломаларнинг асарларида айрим мусаввирларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид мулоҳазалар келтирилган. Хусусан, Махмуд Восифийнинг «Нодир воқеалар» асарида XV аср охири ва XVI аср бошларидаги Марказий Осиё маданий ҳаёти, ҳукмдорларнинг ғалаба-зафарларини мадҳ этадиган тарихий саҳналар ҳамда давлат бошқарувини баён этадиган мавзулар баён этилган³.

Хориж санъатшунос олимларидан Т.Арнолд, Е.Блоше, Ф.Мартин, А.Сакисиан, М.Ашрафий И.Шчукин, Е.Бахари, А.Байрамова, М.Назарли⁴

³ Зайн ад-дин Махмуд Васифи. Удивительные события. – Москва: Директ-Медиа, 2010. – 204 с.

⁴ Arnold T.W. Painting in Islam. – London, 1928.; Martin F.G. The miniature painting and painters of Persia, India and Turkey from 8th to the 18th Century. – London, Bernard Quaritch, 1912.; Blochet E. Musulman Painting. – London, 1979.; Huart Cl. Les calligraphes et miniaturiste de l’Orient musulman. – Paris, 1908.; Sakisian A. La miniature persane du XIIe au XVIIe siècle. – Paris-Bruxelles, 1929.; Binyon L., Wilkinson J.V.S., Gray B. Persian Miniature Painting. – London, 1933.; Stchoukine I. Les miniatures Persanes. – Paris, 1932.; Robinson B.W., Grube E., Meredith-Owens G.M. The Kier collection. Islamic Painting and the Arts of the Book. – London, 1976.; Bahary E. Bihzad master of Persian Painting. – London-New York, 1996.; Ашрафи М.М. От Бехзада до Риза-йи Аббаси.

Марказий Осиё мусаввирлари асарларини дунё матбуотида тарғиб қилиб, суратлар мазмунига шарҳ берган. Маис Назарлининг фикрига кўра «Айнан миниатюра санъати ўзида маънавий, эстетик, тарихий ва бошқа маълумотларни мужассам этган, шунинг учун ҳам замонаси маданиятининг марказида туриб, унинг репрезентатив кўрсаткичларидан ҳисобланган»⁵. Санъатшунос олима Муқаддима Ашрафий Бехзод ижодига баҳо бериб, унинг миниатюра санъати равнақини белгилаб берувчи янги жараёнларнинг ташаббускори бўлганлигини таъкидлайди⁶. Фредрик Мартин Бухоро миниатюра мактаби тасвирларини ўрганиб, Бухородаги либослар, айникса, бош кийимлар, бурмали йирик саллалар ва шоҳона безатилган кўйлақлар бу шаҳарни безак бериш нуктаи назаридан Шарқнинг бой шаҳарлари қаторига киритилган⁷лигини баён этади.

XX аср бошида миниатюра санъатини мустақил санъат тури сифатида ўрганилишига тарихчи олимлар, Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель ва А.А.Семеновлар ўз ҳиссаларини қўшган бўлсалар, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, Б.В.Веймарн, Б.П.Денике, И.Ю.Крачковский, А.Якубовский⁸ каби олимлар Марказий Осиё маданиятида тасвирий санъат йўналишларига баҳо берган. Хусусан шарқшунос олим Борис Веймарн араб миниатюра мактабида бетакрор бадий услуб ишлаб чиқилганлигини ва ундан Шарқ мусаввирларининг кейинги беш авлоди самарали фойдаланган⁹лигини асослаб берган. Галина Пугаченкова эса жаҳон тасвирий санъатида миниатюра санъати марказий ўринларда турмаганлигини таъкидласада, бу санъат турининг ўрни Марказий Осиёда беқиёс эканлигини¹⁰ очиб берган. Бу эса, замонавий бадий ижодда миниатюра санъатининг эстетик хусусиятларини ўрганиш заруратини англатади.

Ўзбекистонлик санъатшунос олимлар Х.Сулаймон, Ф.Сулаймонова, Н.Абдуллаев, З.Раҳимова, Н.Норқулов, А.Мадраимов, Ф.Мусакулов, К.Акилова¹¹лар Шарқ миниатюра санъатининг тарихий генезисини очиб

Развитие миниатюры XVI-начало XVII века. – Тошкент: СМИ-АЗИЯ, МИЦАИ, 2011.; Байрамова А. Поэмы Низами Гянджеви в контексте взаимоотражения искусств. – Баку: Орхан, 2014.; Назарли М.Д. Два мира восточной миниатюры. Проблема прагматической интерпретации сефевидской живописи. – Москва, 2006.

⁵ Назарли М.Д. Два мира восточной миниатюры – Москва, 2006 – 25 с.

⁶ Ашрафи М.М. От Бехзада до Риза-йи Аббаси. Развитие миниатюры XVI-начало XVII века, Тошкент: СМИ-АЗИЯ, МИЦАИ., 2011 – 28 с.

⁷ Martin F.R. The miniature painting and painters of Persia, India and Turkey from the 8th to the 18th Centure - London: Bernard Quaritch, 1912 – 54 p.

⁸ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана. – Ташкент, 1960.; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана с древнейших времён до середины девятнадцатого века. – Москва: Искусство 1965.; Денике Б.П. Искусство Востока. Очерк истории мусульманского искусства. – Москва: Комбинат издательства и печати, 1923; Крачковский И.Ю. Над арабскими рукописями: Листки воспоминаний о книгах и людях. – Москва: Издательства Академии Наук, 1945.; Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Сочинения. – Москва: 1963.; Бертельс Е.Э. Навои и Джамии. Избранные труды. – Москва: Наука, 1965.; Веймарн Б.В. Классическое искусство стран ислама. – Москва: Искусство 2002.; Якубовский А.Ю. Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Наваи. Сб.статей «Алишер Наваи». – Москва-Ленинград: ИВАН, 1946.

⁹ Веймарн Б.В. Классическое искусство стран ислама. – Москва: Искусство, 2002. – 21 с.

¹⁰ Пугаченкова Г.А., Галеркина О.И. Миниатюры Средней Азии. В избранных образцах. – Москва: Изобразительное искусство, 1979. – 1 с.

¹¹ Сулаймон Х., Сулаймонова Ф. Алишер Навоий асарлари бадий қўлёзмалари албому. – Тошкент, 1981.; Раҳимова З.И., Полякова Е.А. L'art de la Miniature et la Litterature de l'Orient. – Тошкент: Литература и

берган. Шарқ миниатюра назарияси Э.Исмоилова, Ш.Шоёкубов ва П.Шабаратов¹²лар ижодида алоҳида тадқиқ этилган. Хусусан, Ш.Шоёкубовнинг фикрига кўра, «Шарқ миниатюра ранг тасвири халқнинг оламни идрок этиши ва ҳис этишини образларда мужассамлаштиради ва бу билан ҳаётини воқеликни, халқнинг тарихий ва диний ўзига хослигини жонли образларда тасвирлайди»¹³.

Марказий Осиё миниатюра санъатининг эстетик тафаккур ва эстетик тарбиядаги аҳамияти, ёшларда эстетик маданиятнинг ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни Ўзбекистон олимлари И.Мўминов, Т.Махмудов, Э.Умаров, А.Шер, Г.Махмудова, О.Ғайбуллаев, Б.Хусанов, Н.Абдуллаеваларнинг¹⁴ илмий ишларида атрофлича ёритиб берилган. Ғайласуф, эстетик олим Т.Махмудов «Ўзбекистон санъатида инсон омили» рисоласида инсонни ижтимоий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи асосий омил эканлигини ва унинг ҳар томонлама камол топтиришда адабиёт ва санъатнинг роли катталигини таъкидлаб, «санъат асарларидаги ҳар бир ижобий қаҳрамон ҳаётда учраган, бор бўлган шахслар, янги типдаги санъаткорларнинг индивидуал талант белгисигина эмас, балки жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий муҳитининг ҳам инъикосидир»¹⁵, деб фикр билдиради. Санъатнинг тур ва жанрларини эстетик тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратган эстетик олимлардан А.Шер ва Б.Хусанов, «...рассом табиат, жамият, шахс ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларнинг такрорланмас сержило манзараларини бизга етказиб беради, воқеликдаги эстетик хусусиятларни ранг воситасида тасвирлайди»¹⁶ деб таъкидлаб, миниатюра санъатини китоб мазмунини ифодалашда катта аҳамият касб этганлигига эътибор қаратганлар. О.Ғайбуллаев эстетик тарбия масалаларини чуқур ўрганиб, ўтмиш маданиятимиз ва миллий эстетик тарбиямизни бир-бири билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб бориш лозимлиги тўғрисида тўхталиб, «Санъат асарларидаги нафосатни англаб етиш ҳиссиёти инсонлардаги эстетик тафаккур гўзаллигини бойитади»¹⁷ деб айтади.

искусство, 1987.; Усмонов О., Мадраимов А. Камолиддин Бехзод. – Тошкент, 2000; Норкулов Н.К., Низомутдинов И.Г. Миниатюра тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 1970.; Мусакулов Ф.С. Миниатюра. – Тошкент, 2004.; Абдуллаев Н. Санъат тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи. 1987.; Мадраимов А. Ўзбекистон миниатюра санъатини ўрганиш масаласи// «Санъат», №67/2. 2015; Раҳимова З. Яқин Шарқ миниатюра санъати// «Санъат», №67/2. 2015.; Акилова К. Papier-mache Painting. Atlas of Central Asian artistic crafts and trades. Volume I, Uzbekistan, Tashkent: Sharq, 1999.

¹² Исмоилова Э.М. Шарқ миниатюраси. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1980.; Шоёкубов Ш. Ўзбекистоннинг бугунги миниатюра рангтасвири. – Тошкент: Шарқ, 1994.; Шабаратов П.П. Миниатюра – Тошкент: Тафаккур, 2011.

¹³ Шоёкубов Ш. Замонавий Ўзбекистон миниатюраси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006 – 8 б.

¹⁴ Мўминов И. Ўзбекистонда табиий илмий ва ижтимоий фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1999.; Махмудов Т.М. Эстетика и духовные ценности. – Тошкент: Шарқ, 1993.; Махмудова Г.Т. Форобийнинг эстетик қарашларининг конструктив моҳияти// «Ёшларни ғоявий-мафкуравий тарбиялашнинг долзарб масалалари. Талабалар онгида китобхонлик маданиятини шакллантириш» мавзусидаги Республика илмий-назарий конференцияси// – Самарқанд, 2019.; Ғайбуллаев О. Шахс маънавий камолоти ва эстетик маданият. – Тошкент, 2008; Абдуллаева Н. Дизайн ва бадиий-эстетик маданият. – Монография. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2016.

¹⁵ Махмудов Т., Олимов Я. Ўзбекистон санъатида инсон омили. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988 – 4 б.

¹⁶ Шер А., Хусанов Б. Эстетика. - Тошкент: Ўзбекистон ғайласуфлар миллий жамияти, 2010 – 152 б.

¹⁷ Ғайбуллаев О. Эстетика. – Самарқанд, 2019 – 136 б.

Санъатшунослик ва унга алоқадор фанларда Марказий Осиё миниатюра санъатини тадқиқ этишда олимларнинг аксарият қисми бу санъат турининг иллюстратив функциясини, ижодий мактабларнинг ривожланиши тарихини ҳамда мусаввирларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш билан чегараланишган. Шу сабабли ушбу тадқиқот ишида, диний-фалсафий ва эстетик қарашларнинг миниатюра санъатида намоён бўлиши ҳамда Марказий Осиё миниатюраларининг эстетик ва романтик хусусиятларини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университетининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-20170928696 - «Ўзбекистонда ислохотлар жараёнини таҳлил этиш ва амалга оширишнинг концептуал фалсафий методологияси («Харакатлар стратегияси» асосида)» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Осиё миниатюра санъатининг ворисийлик анъаналарини ва замонавий парадигма тенденцияларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тасвирий санъатнинг миниатюра соҳасининг ахлоқий ва эстетик идеалларининг барқарор йўналган моҳиятини, жамият, миллат ва инсониятга қаратилган аҳамиятини ёритиб бериш;

Марказий Осиё миниатюра мактаблари: генезиси ва ворисийлик анъаналарини умумийлик ва алоҳидалик контекстида тавсифлаш;

Марказий Осиё миниатюра санъатини эстетик муҳокама ва романтик тафаккур кесимида таҳлил қилиш;

Замонавий ўзбек тасвирий санъатида миниатюра мактаби равақи ва истиқболларини парадигмал жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Марказий Осиё миниатюра санъатининг воқеълик ва борлиқ тасвир тавсифи эканлиги ҳақидаги назарий ва амалий (миниатюра асарлари) манбалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети миниатюра санъатининг мураккаб романтик ва эстетик жиҳатларини ёритиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, фанлараро ёндашув, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув ва умумий ўзаро алоқадорлик, тарихийлик, ворисийлик каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Марказий Осиё миниатюра мактабларининг севги-муҳаббат, табиат гўзаллигини акс эттирадиган асарлар (романтик йўналиш) ва турмуш манзараларини акс эттирадиган асарлар (жанрли йўналиш) сюжетлар танлови билан эмас, балки бадиий талқини (интерпретацияси) орқали аниқланган эстетик тамойиллари романтик дунёқараш (гўзаллик билан сингдирилган инсон ҳис-туйғуларини улуғлаш) билан уйғун эканлиги асосланган;

Марказий Осиё миниатюра санъатида «бадиий образ» тушунчаси табиат ва инсон, инсон ва меъморий иншоотлар орасидаги уйғунликни кўрсата

олишда, тасвир этаётган манзараларнинг жозибаторлигида, композиция барча унсурларининг ўзаро мутаносиблигида, рангларнинг жозибаторлиги ва бойлигида, рамзий ифода ва тасвирлар маконининг бепоёнлигида каби фалсафий мушоҳадаларга асосланганлиги очиб берилган;

Марказий Осиё тасвирий санъатида Ҳирот, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент миниатюра мактабларининг умумий (мавзу, мазмун, моҳият – олам ва одамга нисбатан романтик ва юқори маънавий муносабат) ва алоҳида (услуб, шакл, ранг) жиҳатлари услубий бирликнинг ривожланган «шахсий», индивидуал асосда шаклланиши эканлиги ҳамда уларнинг асарларига хос эмоционал бойлик ва яхлитлик шу билан изоҳланиши асосланган;

эстетик идеал контекстида миниатюра санъатининг мураккаб, яхлит, конкрет-ҳиссий ва бадиий услубларининг кўп қатламли моҳияти, мумтоз санъат, модернизм ва постмодернизмнинг синхрон ва диахрон тарихий динамикаси кесимида аксиологик, узвий, кўп босқичли ва парадигмал жиҳатлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Марказий Осиё миниатюра мактабларининг генезиси, тарихи ва моҳияти эстетик онг эволюцияси иерархиясидаги роли белгиланган;

Марказий Осиё миниатюра санъатининг эстетик ва романтик жиҳатларининг умумбашарий аксиологик ўрни кўрсатилган;

замонавий миниатюра санъати равнақи санъатшунослик, эстетика ва адабиёт соҳалари кесимида (фанлараро ёндашув) ўрганилиб, янги бадиий-услубий муаммо ва ечимлар билан ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бадиий усулларнинг анъанавийлиги ва қонуниятлари, образли тафаккурнинг шартланганлиги, Шарқона тафаккурнинг метафорага бой услуби, миниатюра композициясининг лўнда ва нафислиги билан изоҳланади, шунингдек, фанлараро методологияга (замонавий илмий билишда мураккаб жараёнларни полипарадигмал асосда тадқиқ этувчи объектни, ҳар томонлама, кенг қамровли турли фан, йўналиш ва соҳаларни муайян методологик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш)га асосланган тадқиқот иши амалий ва фундаментал илмий изланишларга асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ўз аксини топган назарий хулосалар, амалий таклиф-тавсиялардан олий таълим муассасаларининг «Фалсафа», «Эстетика», «Санъатшунослик», «Адабиёт», «Маданиятшунослик» каби фанларни ўқитишда, «Архитектура» ва «Дизайн» соҳаларига тегишли мутахассислар тайёрлашда, таълим тизимининг янги

илмий-услубий асосларини ишлаб чиқишда, ижод мактаблари, Ёшлар иттифоқи фаолияти ҳамда музейлар фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланиш ва маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий Осиё миниатюра санъатининг романтик ва эстетик хусусиятларини таҳлили бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Марказий Осиё миниатюра мактабларининг эстетик тамойиллари романтик дунёқараш (гўзаллик билан сингдирилган инсон ҳис-туйғуларини улуғлаш) эканлиги ҳамда миниатюра санъатида «бадий образ» тушунчасининг таҳлили, рамзий ифода ва тасвирлар фалсафий мушоҳадага асосланганлигига оид тақлиф-тавсиялардан Ўзбекистон Миллий университетидан 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-163 рақамли «Демократик жараёнларда «ўзбек модели» нинг концептуал масалалари таҳлили ва изчил ривожланишнинг назарий-методологик асослари» амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 7 январдаги 89-03-76-сон маълумотномаси). Амалий лойиҳанинг натижалари демократик ислохотларда жамият маънавий ҳаётининг истиқболларини белгилаш имкониятини берган.

ёш авлод эстетик тарбиясида ўзбек халқининг бой маънавий меросидан кенг фойдаланиш, Марказий Осиё тасвирий санъатида Хирот, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент миниатюра мактабларининг умумий ва алоҳида жиҳатларининг тизимлаштирилишига доир хулосалардан музейлар фондларини маданий бойликлар билан мунтазам тўлдириб, эълон қилиб бориш, музей коллекцияларини тадқиқ қилишни кучайтириш ва тарғибот материалларини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 01-12-10-2810 – сон далолатномаси). Натижада, шахс эстетик дидининг шаклланиши, халқ, миллат, инсон учун зарур бўлган кадриятларга ҳурмат ва эътиборнинг кучайтирилиши, ёшларда бадий ижод ҳақидаги билимларнинг ошишига хизмат қилган.

эстетик идеал контекстида миниатюра санъатининг мураккаб, яхлит, конкрет-ҳиссий ва бадий услубларининг аксиологик ва парадигмал жиҳатларида ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга оид хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019-2020 йилларда ўтказилган тарғибот-ташвиқот фаолиятида фойдаланилди (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 17 июндаги 02/07-570-сон далолатномаси). Натижада, худудларда «Маънавият фестивали»ни ўтказиш дастур сценарийларини тузишда назарий манба сифатида хизмат қилган.

миниатюра санъатининг вужудга келиши ва генезиси, Марказий Осиё миниатюра мактаблари эстетик тамойилларининг романтик дунёқараш кесимида ўрганилишига оид хулосалардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи «Республика ёш олимлар Кенгаши» нодавлат нотижорат ташкилотининг

2020 йилда белгиланган устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган режаларни тадбиқ қилишда ва тарғибот материалларини тайёрлашда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 18 июндаги 03-05/16-сон далолатномаси). Натижада, миниатюра санъатини вужудга келиши ва ривожланиши босқичларини илмий жиҳатдан ўрганилиши ҳамда бугунги кунда ёшлар орасида миллий меросимизга бўлган муносабатни шакллантиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялари 2020 йил март ойида ташкил этилган «Audiokutubxona.uz» лойиҳаси материалларини тайёрлашда хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (3 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

«Кириш» қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми бўйича маълумотлар асосланган.

Диссертациянинг «Марказий Осиё миниатюра санъатининг вужудга келиши ва генезиси» деб номланган биринчи бобида миниатюра санъати тушунчаси моҳияти, унинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари, шунингдек, Марказий Осиё миниатюра санъатининг романтик дунёқараш муаммолари ва эстетик тамойиллари таҳлил қилинган.

Биринчи бобнинг «Миниатюра санъатининг тушунчаси ва моҳияти» номли биринчи параграфида «миниатюра» сўзи маъносининг келиб чиқиши ва ривожланиб бориши, Марказий Осиё миниатюра санъатининг мустақил бадий аҳамияти, манускриптлар безакларининг асослари таҳлил қилинган.

«Миниатюра» иборасини Ўрта асрларда яратилган қўлёзма китобларига ишланган кичик лавҳа ёки китобнинг бутун бетига ишланган иллюстрация шаклидаги кичик ўлчамдаги мўжаз рангли тасвирга; қўлёзма китобининг таркибий бадий безакли қисми, кичик лавҳа ёки бутун бетни, айрим ҳолда

икки қўшни бетни эгаллаган иллюстрация, нақшинкор тасвирларга нисбатан қўлланган ибора, деб қараш мумкин.

Диссертацияда Марказий Осиё миниатюрасининг тарихи жуда қадим-қадимлардан тарқалгани ва босқичма босқич ривожланганлиги таъкидланган. Бу санъат турининг илдизлари қадимги қоятошларга ишланган суратлар, илк ўрта асрлар тасвирий санъати ҳамда маҳобатли деворий суратларига бориб боғланади. Ўрта Шарқ мамлакатларида бадиий безатилган қадимий қўлёзмаларга оид илк маълумотлар эрамиздан аввалги VII – VI асрларга тегишли бўлиб, бу даврлардан бошлаб тараққиёт ўзига хос, бир неча босқичларни босиб ўтди. Муаллиф фикрича услублар, эстетик идеаллар ўзгарди. Бу ҳол табиий равишда китоб безаш санъатида ҳам ўз аксини топди.

Диссертацияда тасвирий санъат халқлар ўртасидаги алоқаларни нафақат уйғунлашувига, балки бойиб боришига ҳам сабабчи бўлганлиги, миниатюра рангтасвири ўрта асрларга келиб китоб беаги билан боғлиқ ҳолда ривож топганлиги, Марказий Осиё Ўрта асрлар миниатюра рангтасвири, асосан, ҳукмрон сулолалар хомийлигида тараққий этганлиги ва Шарқ миниатюраси XX аср боши ва ўрталарига келиб қайта кашф қилинганлиги ёритиб берилган. Муаллифнинг бундай қарашлари Э.Ртвеладзенинг «Жаҳон цивилизацияси тарихида Буюк ипак йўлининг аҳамияти нафақат савдо соҳаси билан боғлиқ. Унинг ўрни ниҳоятда кенг ва турли-тумандир, чунки бу йўлдан шарқ ва ғарб савдо қарвонларидан ташқари, маданий қадриятлар ва диний тасаввурлар ҳам ҳаракатланган»¹⁸, Ш.Шоёқубовнинг «Шарқ адабиётининг мумтоз вакилларида бўлмиш Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийнинг асарлари мусаввирлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи ҳисобланган, миниатюралар орқали уларнинг ижодини юксак инсонпарварлик ғоялари, умрбоқий образлар билан бойитишган»¹⁹, деган фикрлари билан асослаган. Жумладан, Х.Караматов миниатюра санъатининг ривожланиш тенденцияси ва замонавий ҳолатини қуйидагича изоҳлайди: «Шарқ ўрта аср китоб миниатюраси 1970 йиллар охири-1980 йиллар бошларида Ўзбекистон локли миниатюраси заминидан қайта тикланди. 1990 йилларга келиб, у ўзида қоғоз, мато, чарм, газмолга ишланган миниатюрадан то миниатюра услубида бажарилган маҳобатли асарларгача қамраб, яхлит бадиий-услубий хусусият касб этмоқда»²⁰.

Муаллиф фикрича, миниатюра санъати – умуминсоний маданият хазинасини дурдоналар билан безатган юксак санъат тури бўлиб, саҳифаларни зийнатлаш, каллиграфия ва муқова беаги билан бир қаторда қўлёзма китобларнинг энг мураккаб декоратив унсурларидан бирини ташкил қилган. Асосий аҳамияти матн мазмунини тушунтириш ва ноёб безаш услуби орқали, дунёвий характерга эга бўлган асарларни яратишдан иборат бўлган.

¹⁸ Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Тошкент: Университет мировой экономики и дипломатии, 2005. – 196 с.

¹⁹ Шоёқубов Ш. Замонавий Ўзбекистон миниатюраси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 26 б.

²⁰ Караматов Х., Қурбонбоев Ф., Ҳакимов А. Ўзбекистон санъати (1991-2001 йиллар) – Тошкент: Шарқ, 2001. – 94 б.

Инсонни ўраб олган ижтимоий ҳамда табиий муҳит орасида мураккаб алоқадорлик мавжуд экан ва бу алоқадорликни чегаралаган илмий, техник, мафкуравий муҳитда, нозик ва нафис санъат тури миниатюрада метафора, аллегория ва рамзий образларни яратиш юксак маҳорат ва ноёб иқтидордан далолат беради.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи «Марказий Осиё миниатюра санъатининг романтик дунёқараши муаммолари ва эстетик тамойиллари» деб номланади. Параграфда бадиий асарларнинг, хусусан, шеъриятнинг батафсил маъно-мазмун, адабий образларга романтиклик бахш этишда улкан имкониятларга эга бўлган – миниатюра асарларида ўз ифодасини намоён этган шарқона ўзига хос оламини англаш фалсафаси таҳлил этилган.

Диссертант фикрига кўра, Шарқ адабиётининг романтик хусусиятини, икки ижодкор (ёзувчи ва рассом) миниатюра ва адабиётнинг мазмун ва шакл, ранг ва тасвир, макон ва замон оламини нозик дид билан ижодий симбиоз, яъни ижодкорлик ансамбли орқали Шарқ эстетик тамойилларининг усул ва шаклларига мувофиқ юксак маҳорат билан очиб берганлар. Адабиёт ва муסיқада бўлгани каби тасвирий санъатда ҳам, ижод ва санъатнинг барча соҳалари учун умумий бўлган, муайян даврнинг нишонлари намоён бўлади. Романтизм ҳаётсеварлик, гўзаллик манбаси сифатида миниатюра санъатига ҳам кўп нарсани инъом қилди. Шарқ миниатюраларида қўлланилган бадиий услублар орасида романтизмга алоҳида эътибор қаратилган. Сўфийлар эстетикасининг соҳаси сифатида Ишқ ва Гўзаллик мавзулари эса нафақат шеърият, балки тавирий санъатнинг ривожланишига ҳам ҳизмат қилди.

Камолиддин Бехзоднинг ижодий анъаналарини давом эттирган ҳолда, Марказий Осиё мусаввирларнинг баъзилари ўзларининг миниатюраларида халқ ҳаёти мавзуларига, эртакона ва панд-насихатли сюжетларга мурожаат қилган бўлсалар, бошқалари сал ўзгартирилган кўринишда, Бехзоднинг классик ижодий меъёрларига амал қилиб, унинг айнан, романтик услубини давом эттирдилар. Аммо барчаси учун ҳам чизик ва рангларнинг мукамаллигига эътибор қаратиш, ва Бехзод сингари ўзларининг миниатюраларида жўшқин ранглардан фойдаланиш одат тусига кирган эди. Масалан, Мир Саид Алининг «Мажнун Лайли чодир олдида» миниатюраси маконнинг ғоят кўламлилиги, лавҳаларнинг бир-бирига боғланганлиги, ҳар бир деталь ва персонажнинг, ҳатто муסיқий асбобнинг (най) сюжет линиясига қатъий бўйсундирилганлиги билан кишини мафтун этади. Мазкур параграфда Марказий Осиёнинг буюк мусаввирлари, хусусан, Камолиддин Бехзоднинг «Искандар ва етти донишманд» номли миниатюраси ва Мир Саид Алининг «Мажнун Лайли чодир олдида» миниатюралари фалсафий таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, қўйидагилар маълум бўлди:

-биринчидан, миниатюра санъати ўзининг эртакона-фантастик, романтик ва эстетик хусусиятлари орқали инсонлар олдида гўзаллик оламини очиб беради;

-иккинчидан, миниатюрада тасвирланган ҳар бир деталь (масалан чолғу созлари най)ларнинг ўрни миниатюра санъатида, тасвирланаётган

мавзуларнинг сермаъно ифодаси учун нафақат фойдаланилган кўшимча фон-персонаж, балки айна пайтда, акс эттирилган лавҳаларда воқеа-ҳодисаларнинг мазмунини очиб берувчи, ёки асосий персонажлар ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштирувчи восита бўлиб ҳам хизмат қилади;

-учинчидан, романтизм ҳаётсеварлик, гўзаллик манбаси сифатида миниатюра санъатига ҳам кўп нарсани инъом қилди. Шарқ миниатюраларида қўлланилган бадий услублар орасида романтизмга алоҳида эътибор қаратилган. Сўфийлар эстетикасининг соҳаси сифатида Ишқ ва Гўзаллик мавзулари эса нафақат шеърят, балки тавирий санъатнинг ривожланишига ҳам хизмат қилди. Бадий ижоддаги ишқ-муҳаббат мавзуси Шарқ рангасвирида ҳам муҳим ўрин эгаллаб келган (Фарход ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайҳо образлари тасвирланган миниатюралар ва б.).

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, қуйидагиларни эътироф этиш жоиз. Миниатюра асарларининг маъно-мазмунига, бадий образли ифодалиликнинг юқори босқичига кўтарилган дидактик моҳиятига кириб бориш, авваломбор, уларнинг аҳамиятини тушуниш, кишиларнинг алоҳида ички дунёсига кириш, ўзига хос шарқона лаззатини ҳис қилиш ҳамда вақт ўтган сари миниатюралар қандай ўзгарганлигини ва қайта анланганини кузатиш имконини беради. Шакл ва мотивни қатъийлаштириш, уларнинг шартли ифодалилиги кишилар фикри ва ҳиссини очиб берди, халқнинг оламини идрок этишини акс эттирди, юзлаб йиллар давомида уларнинг ҳаётни тушуниши ифодаси бўлиб келди. Санъатнинг ажойиб намуналарида гавдалантирилган миниатюранинг ўзига хос эстетик хусусиятларидан бўлмиш эзгулик, муҳаббат, бахт-саодат, гўзаллик образлари инсоннинг дунёни гўзал ҳис қилишини, унинг орзу-умидларини ва юксак идеалларини намоёниш этди.

Диссертациянинг «Марказий Осиё миниатюра санъатида ворисийлик анъаналари ва мактаблари» деб номланган иккинчи бобида Самарқанд, Ҳирот, Тошкент ва Бухоро миниатюра мактабларининг ворисийлик контекстида умумий ва алоҳидалик жиҳатлари, миниатюра санъатининг ижтимоий, ғоявий негизлари, шунингдек, санъат асарларида анъанавий ва замонавий бадий усуллари таҳлил этилган.

Иккинчи бобнинг «Самарқанд, Ҳирот, Тошкент – Бухоро миниатюра мактабларининг ворисийлик контекстида умумий ва алоҳидалик анъаналари» деб номланган биринчи параграфида шарқ халқларининг маданий ҳаётида, айниқса ўрта асрларда, тажрибалар давомида сайқалланган бир бутун яхлит концепция йўлга қўйилганлиги яъни, турли бадий ижод соҳалари, жумладан, миниатюра санъати ҳам ворисийлик анъаналари асосида ривожланганлиги масалалари тадқиқ қилинган.

Диссертант фикрича, Марказий Осиё халқлари тарихида қўлёзма китобларнинг нафис тасвирларини тўғри англаш ва безатилиши санъатига баҳо бериш учун, аввало, бу санъат турини ижтимоий-тарихий тараққиёт даражаси билан чамбарчас боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, давр талабига

хос бўлган умумий ахлоқий-эстетик қадриятлар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш керак. Айнан, миниатюра санъатининг анъаналарини ворисийлик қонун-қоидалари асосида ўрганилиши, бу санъат турининг эстетик хусусиятларини, муайян даврнинг ўзига хос жиҳатларини ва миниатюра ранг тасвири мактабларини аниқлаб олишга ёрдам беради.

Диссертацияда «Ҳирот», «Самарқанд» миниатюра мактаблари, «Бухоро», «Шохрухия» (Тошкент), «Табриз» (Эрон), «Бобурийлар» миниатюра мактаблари, «Шероз» мактаби, «Исфахон» мактаби, «Язд» мактаби, «Бағдод» (Араб) миниатюра мактаблари каби йирик тасвирий санъат марказлари мавжуд бўлганлиги қайд этилади. Мактабларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, миниатюраларининг турли – туманлиги билан фарқ қилади. Лекин бир-биридан қанчалик фарқ қилса ҳам, уларни ягона асос бирлаштириб туради, яъни улар гўзаллик қонунлари ва борлиқни эстетик қабул қилиш қонуни асосида яратилган ижод маҳсули ҳисобланади.

Марказий Осиё худудидаги Самарқанд, Ҳирот, Тошкент ва Бухоро миниатюра мактабларининг услубий жиҳатларини белгилаб олишда Г.Пугаченкова, Л.Ремпел, О.Галеркина, М.Ашрафий²¹ каби санъатшунос олимларнинг кўшган ҳиссалари аҳамиятлидир. Тадқиқот ишида олиб борилган изланишларга асосланиб, диссертант миниатюра санъати шарқ мамлакатлари маданиятида асосан анъанавийлик тамойили негизида шаклланган ва маълум қонун-қоидалар асосида ривожланганлигини таъкидлайди.

Самарқанд мактабига тааллуқли миниатюраларда асосан иккита йўналиш намоён бўлганлигини айтиш мумкин. Булар, севги-муҳаббат, табиат гўзаллигини акс эттирадиган асарлар (романтик йўналиш) ва турмуш манзараларини акс эттирадиган асарлар (жанрли йўналиш). Бу йўналишлар бадий талқини орқали аниқланади. Самарқанд миниатюраларида Ҳирот мактабига хос бўлган табиат манзаралари ва меъморий бинолар тасвирини майдалаштириб юбориш, майда нарсаларни тасвирлашлар деярли учрамайди. Миниатюралардаги барча тасвирлар – табиат унсурлари, безаклар, кишиларнинг қад-қоматлари анча йирик қилиб берилади.

1967 йилда француз тадқиқотчиси И.С.Шчукин²² томонидан эълон қилинган Султон Али ал-Бовардийнинг мўйқаламига мансуб кўлёмаларнинг 14 тасини моҳир, бақувват, табиатни ҳассослик билан манзарадор қилиб чизишга мойил бўлган ижодкор сифатида баҳолайди. Иккинчи номаълум рассом томонидан яратилган 4 та ишини эса, кескинликдан йироқ, мўйқалами енгил, ранглари нафис, умумий услубга кўра у Ҳирот рангтасвир мактабига яқин туради деган фикрга келади. Диссертант фикрича, Ҳиротда камолот чўққисига чиққан мўжаз тасвирий санъатни реалистик йўналишдаги санъат дейиш мумкин. Беҳзод Шарқ

²¹ Диссертант томонидан таҳлил этилган манбалар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» га киритилган.

²² Ivan Stchoukine. Les Peintures des manuscrits Timurides. – Paris: P.Geuthner, - 1954. – 24 r.

миниатюра санъатига ҳаётийлик, ҳаққонийликни - реализмни олиб кирган ижодкордир. Ҳирот миниатюра мактабининг бошқа миниатюра мактабларидан фарқ қилувчи асосий хусусиятлари табиат ва инсон, инсон ва меъморий иншоотлар орасидаги уйғунликни кўрсата олишида, тасвир этаётган манзараларнинг жозибадорлигида, композиция барча унсурларининг мутаносиблигида, рангларнинг жозибадорлиги ва бойлигида, аксарият қўлёзмаларда миниатюраларнинг хитой рангтасвири унсурларидан холи эканлигида (Беҳзод ижодининг асосий унсури бўлган хитой булутчаси сақланиб қолган) намоён бўлади.

Муаллиф қайд этганидек, Бухоро миниатюраларида Самарқанд ва Ҳирот миниатюра мактабларининг анъаналари қўлланилганлиги бадиий тилининг ихчамлиги ва аниқлиги, кўчманчилар ҳаётининг хусусиятлари ва персонажларнинг «маҳаллий» кўриниши устиворлик қилади. Бир қатор Бухоро миниатюраларида Беҳзод фикрларининг акс садоси намоён бўлади.

Тошкентда яратилган миниатюраларнинг умумий услубида юқори даражадаги оддийлик кузатилади; уларнинг ички омиллари Темурийларнинг Самарқанд миниатюраси бадиий анъаналаридан кўра, маҳаллий, фольклор манбаларига асосланади. Тошкент миниатюра мактаби миниатюраларида Ҳирот мотивларининг учраши мазкур мактаб услубининг кириб келганлигидан далолат беради.

Умуман, Самарқанд ва Ҳирот миниатюраларидан фарқли равишда, Тошкент миниатюралари серҳашамлилик ва дабдабалиликдан йироқ бўлиб, уларда байрамона кўринишлар, базм ва романтик севги сахналарига нисбатан, оддий ҳалқнинг меҳнат жараёнларини намоён этиш мавзуларига кўпроқ аҳамият берилар эди²³.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Марказий Осиё миниатюра рангтасвири айнан бадиий мактаблар тизими асосида вужудга келди. Уларнинг ўзига хос жиҳатлари, тасвирий усуллари ва услублари мавжуд бўлган бўлсада, бу мактаблар ҳозирги кунгача ворисийлик анъаналари асосида ривожланиб келмоқда.

Марказий Осиё миниатюра санъати мактабларининг умумий ва алоҳида жиҳатларини аниқлаш таҳлили натижасида, биз турли мактаблар мусаввирлари томонидан яратилган миниатюраларни, муайян давр ҳалқларининг эстетик идеаллари ва инсонларни бутун борлиқни қандай қабул қилганликлари борасидаги ўлкан маълумотлар манбаи бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Файласуф олим Т.Махмудовнинг «...услуб умумийлиги тараққиётнинг муайян тарихий даврида эстетик онгнинг хилма-хиллиги ҳамда ҳалқнинг ижтимоий ва маданий даражасининг характери уйғунлигидан ташкил топади»²⁴, деган фикрларига асосланиб, тадқиқот ишида миниатюра мактаблари услубларининг умумийлиги – бирхилликнинг намоён бўлиши эмасдир, деб таъкидлаш мумкин.

²³ қаранг: Пугаченкова Г.А., Галеркина О.И. Миниатюры Средней Азии. – Москва: Изобразительное искусство, 1979. – С. 6-8.

²⁴ Махмудов Т.М. Эстетика и духовные ценности. – Тошкент: Шарқ, 1993. – 223 с.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи «Миниатюра санъатининг ижтимоий, ғоявий негизлари ва санъат, адабиёт асарларида анъанавий ва замонавий бадиий усуллари» деб номланган. Мазкур параграфда, давр ижтимоий, маънавий ҳаётининг излари мусаввирнинг ўзига хос ғоялари ва ҳис-туйғуларини намоён бўлишида таъсир этиши таъкидлаб ўтилган ва бу масала Марказий Осиё мусаввирлари ижоди намуналари асосида таҳлил қилинган.

Муаллиф фикрича, Марказий Осиё ҳудудида XIV-XIX асрларда қўлёзма китобларни безаш санъатини муайян даврнинг ижтимоий-тарихий долзарб масалалари, маънавий-эстетик бойликнинг умумий тартиби билан узвийликда ўрганилгандагина тўғри англаш ва баҳолаш мумкиндир. Бу ҳақида, Э.Исмаиловнинг қўйидаги фикрлари келтириб ўтилган: «Китоб безаш санъати замонасининг ижтимоий «бююртма»сини ва асрлар давомида таркиб топган, халқнинг гўзаллик, маъқуллик, уйғунлик тўғрисидаги барқарор тасаввурини ғаройиб равишда бирлаштириб юборар эди. Китоб безайдиган усталар ўз вазифаларини нақш, тасвирий воситалар ёрдамида муайян китобнинг ўзига хос мазмунини очиб беришда деб эмас, балки, умуман, асарнинг умумий усулини, қолаверса, даврнинг адабий усулини ифодалаб беришда деб билар эдилар»²⁵. Зеро, тасвирий санъат, жумладан миниатюра рангтасвири, ўзининг бадиийлиги билан, замонасининг халқ орасида шаклланган илғор ғояларини ифодалашда беқиёс кучга эга эди.

Ғарб олимларидан бири А.Гриб, «...барча санъат асарлари йўналишлари бир хил ижтимоий, диний, прогрессив ғояни акс эттирсагина, инсонларга ўз таъсирини ўткази олади»²⁶ деб, таъкидлаган. Шу ўринда айтиш жоизки, Марказий Осиё миниатюра рассомчилигининг тараққиёти ҳам ўз даври адабиётининг ривожини билан боғлиқ бўлган. Мусаввирлар Фирдавсий, Низомий, Дехлавий, Жомий ва Навоий асарларига расмлар ишлаганлар.

Марказий Осиё миниатюра рангтасвири мавзуларининг, ғоявий-бадиий асосининг ранг-баранг ва серкирралиги, мусаввирлар ўз ижодларида нафақат тарихий воқеаларни акс эттирувчи («Зафарнома», «Мажмуа ат-таворих»), балки адабий-бадиий («Шоҳнома», «Ҳамса», «Бўстон»), шунингдек жанг, ғалаба, базм, диний мавзулар, табиат манзаралари, ов саҳналари, севгимухаббат, эзгулик, қаҳрамонлик ва тарбия масалаларини ёритиб берувчи мавзуларга мурожаат қилганлигида намоён бўлади.

Муаллиф фикрича, Марказий Осиё миниатюра санъатининг мазмуни шарқона романтизмнинг нафис хусусиятларини қамраб олган ҳолда, самимийлик ва поэтиклик, ранг-баранглик ва эмоционаллик (хиссиётлилик), рамзийлик ва тасаввур, шунингдек, эстетик идеалнинг барқарорлиги, услуб ва дид туйғусининг теранлиги каби инсон бадиий анъаналарининг фалсафий-эстетик моҳиятини намоён этади. Шу нуқтаи назардан, файласуф олима Г.Маҳмудованинг «Умуман олиб қараганда, ўрта асрлар Марказий Осиё

²⁵ Исмаилова Э.М. Шарқ миниатюраси – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 5 б.

²⁶ Гриб В.Р. Бальзак об искусстве. – Москва-Ленинград: Искусство, 1941. – 470 с.

эстетикаси ўзининг гўзалликка бўлган шарқона муносабати билан, анъанавийлик ва замонавийликнинг синтез қилган юксак таълимот сифатида катта аҳамият касб этади»²⁷., деган фикри диққатга сазовордир.

Миниатюра санъатининг ижтимоий ва ғоявий негизларини асослаб беришда, диссертацияда XVI асрнинг моҳир миниатюра мусаввирлари Муҳаммад Мурод Самарқандий ва Махмуд Музаҳҳибнинг асарлари, Замонавий миниатюра усталаридан Шорасул Шоаҳмедов ижоди таҳлил қилинган. Муаллиф, мусаввирлар ўзларининг ижодларида бадиий миниатюраларига асос бўлаётган воқеани эмас, балки ўзларининг бадиий воситалари орқали, бадиий асарнинг моҳиятини, мазмунини, муайян давр учун умумий тан олинган ғояни жонлантириб беришни ўз олдларига мақсад қилиб кўядилар, деб таъкидлайди.

Диссертациянинг «Замонавий Ўзбекистон санъатида миниатюра эстетикасининг боқий ва умумфалсафий моҳияти» деб номланган учинчи бобда Марказий Осиё миниатюра санъатида образ фалсафаси ҳамда Замонавий бадиий маданият тараққиётида миниатюра санъатининг ўрни таҳлил қилинган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфи «Марказий Осиё миниатюра санъатида образ фалсафаси» деб номланган. Ушбу параграфда дастлабки кўринишидан бошлаб, то бугунги кунларгача рамзий ифодалар ва муайян белгиларни ўзида мужассам этган миниатюра санъати образларининг фалсафий моҳияти ёритиб берилган.

Марказий Осиё миниатюра санъатида тасвирларнинг ранги, шакли ва тузилишини бадиий образли усулда юксак даражада умумлаштириб, рамзийлаштириш асосий эстетик хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Миниатюра композицияларида улардан оқилона фойдаланилиши натижасида жуда ажойиб тасвирлар ҳосил қилинади. Буни кўрган инсон акс эттирилган шаклдан эстетик завқ олади.

Диссертацияда рангнинг фалсафий моҳияти тўғрисида олимларнинг фикрлари келтириб ўтилган. Жумладан, З.Раҳимова, «...Темурийлар даври мусаввирлари рангларнинг турлича жилованишидан фойдаланган ҳолда, ихчам макон ҳосил қилишади ва унга барча рангларини тўлиқ сақлаган ҳолда, кенг табиат манзарасини, катта меъморий иншоотларни жойлаштиришади. Улар тилла рангда олов, қуёшнинг бутун моҳиятини мужассам этганидан, бошқа ранглар унинг фонида ўзининг бутун жилоси билан кўринади»²⁸ деб ёзган. В.Гриб ранг ҳақида, «Бадиий адабиётда образ ва ғоя тушунчалари, рангтасвирдаги расм ва ранг тушунчаларига мос келади»²⁹ деган бўлса, Ж.Честертон эса, «Қадимги миниатюра усталари рангни олтин ёки ёқут сингари қимматбаҳо эканлигига ишонтира олганлар. Мусаввир ўзи ранг танлаш ҳуқуқига эга, лекин унинг маъноси бўлиши керак

²⁷ Маҳмудова Г.Т. Форобийнинг эстетик қарашларининг конструктив моҳияти// «Ёшларни ғоявий-мафкуравий тарбиялашнинг долзарб масалалари. Талабалар онгида китобхонлик маданиятини шакллантириш» мавзусидаги Республика илмий-назарий конференцияси// - Самарқанд, 2019. – 15 б.

²⁸ Раҳимова З. XV аср биринчи ярмида илк Ҳирот миниатюраси // «Санъат», 4/2010. – 10 б.

²⁹ Гриб В.Р. Бальзак об искусстве – Москва-Ленинград: Искусство, 1941. – 19 с.

эди. Қушларнинг тасвирини мовий рангда, дарахтларни – тилларанг, балиқни – кумушранг, булутларни қирмизи рангда тасвирлаб, мусаввир бу рангларни кескинлигини ва катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб берган»³⁰ деб, таъкидлаган. Мазкур илмий маълумотларга таяниб, муаллиф, миниатюраларнинг асосий эстетик хусусиятларидан бўлмиш сержило ранглар ҳаётдаги ҳар бир ҳолатнинг нафақат ҳарактерини очиб бериши, балки унинг фалсафий сир-асрорларни ифодалаб берувчи ишончли восита эканлигини асослаб берган.

Марказий Осиё миниатюраларида чўл-сахро ва боғ манзаралари образи асосий тасвир мавзуларидан ҳисобланиб, шарқона тасвирийлик хусусиятларини ўзида мужассам этган. Шарқ миниатюраларида, боғ образи билан узвий алоқада бўлган гуллар, дарахталар, мевалар, қушлар, булутлар ва бошқа тасвирлар ҳам чуқур рамзий маъноларга эгадир. Жумладан, гуллар – ҳаёт, атиргул – гўзаллик, лола гули – баҳор, анор меваси – оила, эзгулик; олма – муҳаббат, новда – бойлик, фаровонлик; қушлар – бахт; қуёш, осмон ва булутлар – ёруғлик, ҳаёт ва улуғворлик рамзларини англадиб, намоён этганлар.

Диссертацияда Марказий Осиё миниатюра санъатининг эстетик ва романтик жиҳатларини очиб беришда шарқ мусаввирлари томонидан яратилган портретлар алоҳида аҳамиятга эгаллиги таъкидланган. Муаллиф фикрича, тасвирий санъатнинг портрет жанри инсоннинг маънавий қиёфасини ўзида ифодалаши билан санъатнинг бошқа соҳаларидан бирмунча фарқ қилади. Ҳар бир инсоннинг ички дунёси, гўзаллиги, табиат ато этган андазаси мавжуд. Портретчи рассом «инсон» образида, одамларга хос турли ҳаракатларни ҳис қила билмоғи, айниқса, унинг қалби ва қиёфасидаги самимийлик ёки сохта жиҳатларни тасвирлай билиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Марказий Осиёда портрет жанрининг асосчиси ва тасвирий санъатимиз тарихига портрет жанрини олиб кирган моҳир мусаввир Камолиддин Беҳзоддир. Камолиддин Беҳзод қаламига мансуб Абдурахмон Жомий, Султон Ҳусайн Бойқаро (Техрон музейи тўпламлари), подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Шайбонийхон портрети, Ҳусайн Бойқаронинг ўғли шаҳзода шоир Ғариб Мирзо, сафовийлар саройи шоири Абдуллоҳ Хотифий портрети (А.Сакисян тўпламлари), услублаштирилган тарзда этник хусусиятлари асосида яратилган «Амир портрети» (Бостон. Нафис санъат музейи), Дарвеш портрети ва бошқа портретлар ўзбек ҳамда жаҳон маданияти тарихий-бадиий дурдоналари каторида алоҳида ўрин тутади. Беҳзод томонидан яратилган портретлар аниқ бир шахснинг ўзига хос хусусиятларини, унинг ички кечинмаларини, руҳий, психологик ҳолатини очиб бера олиши билан диққатни жалб қила олади.

Ўрта Шарқ миниатюрасида, хусусан Беҳзод ижодида портрет жанрининг нозик жиҳатларини кўрсатиб беришда санъатшунос олима

